

РУСИЙЗАБОН ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА ГАПИРИШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Хадича Сабировна МУХИТДИНОВА

Педагогика фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тошкент, Ўзбекистон

ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ ГОВОРЕНИЯ НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ У РУССКОЗЫЧНЫХ УЧАЩИХСЯ

Хадича Сабировна МУХИТДИНОВА

Доктор педагогических наук, профессор
Узбекский государственный университет мировых языков
Ташкент, Узбекистан

PROBLEMS OF THE DEVELOPMENT OF SPEAKING SKILLS IN THE UZBEK LANGUAGE IN RUSSIAN STUDENTS

Khadicha Sabirova MUKHIDDINOVA

Doctor of Education, Professor
Uzbekistan State World Languages University
Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 371. 671: 494. 3

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Мухитдинова Х.С. Русийзабон ўқувчи-талабаларнинг ўзбек тилида гапириш кўникмаларини ривожлантириш муаммолари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 4 (39). — Б. 84-97.

<https://doi.org/10.36078/1633679903>

received: June 08, 2021

Accepted: August 17, 2021

Published: August 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Мақолада таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактаблар ўқувчилари ва русийзабон гуруҳлар талабаларининг ўзбек тилида гапириш кўникмаларини ривожлантиришдаги айрим муаммолар ҳақида сўз боради. Бугунги кунда ўқувчи ва талабаларнинг оғзаки монологик ва диалогик нутқида, полилогларда нутқ равонлигининг бузилишига сабаб бўлувчи тўхтамлар, товушларни чўзиб айтиш, кириш сўзларни тавтологик қўллаш каби ҳолатлар кўп учрайди. Ушбу муаммоларни бартараф этишда ўқувчилар ва талабаларни ўзбек тилида диалогик ва полилогик нутқ турларида кўп қўлланадиган репликалар, қолип-гаплар билан таништириб бориш, тил бирликларини ўзаро бириктириб, сўз бирикмаси ва гаплар, боғланишли нутқ ҳосил қилиш ва монологик сўзлашга ўргатиш, мазкур жараёнда ўзбек тилидаги жумлалар оҳанги, сўзларни талаффуз тезлиги билан махсус шуғулланиш ниҳоятда муҳим. Мақолада ўзбек тили ўқитувчилари оғзаки нутқни юзага чиқаришнинг артикуляцион жиҳатлари ҳамда боғланишли нутқни юзага келтиришнинг самарали усуллари, мулоқот жараёнини юзага келтиришга хизмат қилувчи ҳақиқий коммуникатив ва шартли коммуникатив машқлардан, табиий нутқий вазиятлардан фойдаланиш йўллари билан яхши таниш бўлишлари лозимлиги қайд этилади. Мавжуд муаммоларнинг ечими сифатида ўзбек тили машғулотларида жонли мулоқотларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, бозорлар, музейлар, хайвонот боғи, театрлар, кутубхоналарга ва бошқа масканларга уюштириладиган сайёр дарслар орқали ўқувчи-талабаларни воқеа-ҳодисанинг табиий шарт-шароитига олиб кириш, уларни ҳақиқий коммуникантлар билан бевосита суҳбатлашишга кўпроқ жалб қилиш, диалогик нутқни полилогик мулоқотга айлантириш орқали табиий нутқий

вазиятни яратиш каби таълим усулларида самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Калит сўзлар: ўзбек тили; тил муҳити; гапириш кўникмаси; гап тузиш моделлари; нутқ аспекти; нутқ жараёни; шакллантириш босқичлари; оғзаки нутқ; нутқ механизмлари.

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые проблемы развития навыков говорения на узбекском языке у учеников школ с иноязычным языком обучения и у студентов русскоязычных групп. В частности, в настоящее время в монологической и диалогической речи учащихся и студентов, в полилогах часто встречаются такие проблемы, как длительные паузы в речи, протяжное произношение звуков, тавтологическое применение вводных слов, что приводит к нарушению беглой речи. Для устранения данных проблем важно ознакомление учеников и студентов репликами, активными шаблонными предложениями узбекского языка, с помощью которых формируется монологическая, диалогическая и полилогическая речь. Обучение связной речи происходит также путем соединения языковых единиц, словосочетаний и предложений, необходимо также в данном процессе особое внимание уделять обучению интонации фраз, скорости произношения слов в узбекском языке. В статье отмечается, что учитель узбекского языка должен быть хорошо осведомлен артикуляционными особенностями воспроизведения устной речи, эффективными способами осуществления связной речи, иметь в запасе реально-коммуникативные и условно-коммуникативные упражнения, осуществляющие процесс общения, способы использования естественных речевых ситуаций. В качестве решения существующих проблем предлагаются использование эффективных приемов таких, как необходимость уделения особого внимания созданию естественной речевой ситуации на уроках узбекского языка, организация уроков живого общения, знакомство учащихся с естественными условиями посредством мобильных уроков на рынках, в музеях, зоопарках, театрах, библиотеках и других объектах, путем превращения диалогической речи в полилогическое общение, создавать естественные речевые ситуации и продуктивные условия большего вовлечения учащихся в беседы с реальными коммуникаторами.

Ключевые слова: узбекский язык; языковая среда; навыки говорения; модели построения предложения; речевой процесс; этапы формирования; устная речь; механизмы речи.

Abstract. The article discusses current problems in the formation and development of Uzbek-speaking skills among pupils of schools with a foreign language of instruction and among students of Russian-speaking groups. In particular, at the present time in the monological and dialogical speech of students and students, in polytechnics there are frequent problems such as pauses in speech, long pronunciation of sounds, tautological application of introductory words, which results in disruption of cursive speech. In order to eliminate these problems, it is important to introduce students to replicas and templates in the formation of coherent speech by combining language units, phrases and sentences, in which monological, dialogue and polylogical speech are formed, In this process, special attention should be paid to teaching the tone of phrases and the speed of pronunciation of words in Uzbek. The article states that an Uzbek language teacher must be

well informed about the articulation of oral speech, effective means of communicating, real-time communication and conditional communication exercises, communicating in ways that make use of natural speech situations. As a solution to existing problems, the use of effective means such as the need to pay special attention to the creation of a natural speech situation in Uzbek language lessons, and the organization of live communication lessons are suggested. Introducing students to natural conditions through mobile classes in markets, museums, zoos, theatres, libraries and other facilities, by transforming dialogue speech into polylogical communication to create natural speech situations and productive conditions for more involvement of students in conversations with real communicators.

Keywords: The Uzbek language and linguistic environment; existing problems; models of sentence construction; speech aspects; speech process; formative stages; speech; mechanisms of speech.

Кириш. Она тилимизнинг Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатидаги нуфузининг ортиши ва мамлакатимизда асосий ижтимоий-иқтисодий ва расмий мулоқот тили ҳисобланиши истиқлол берган буюк неъматлардан биридир. Бугунги кунда кўп миллатли республикаимизда яшовчи турли миллатлар вакилларига ўзбек тилини ўқитишни янада яхшилашга жиддий эътибор қаратилаётгани ушбу миллатларнинг давлат тилида эркин оғзаки ва ёзма мулоқот юрита олишларига қулай шарт-шароит яратмоқда.

Маълумки, республикаимизда умумий ўрта таълим мактабларида таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб борилади. Ўзбек тили республикаимизнинг давлат тили сифатида таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактабларида ва узлуксиз таълим тизимининг кейинги босқичларида эса рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган гуруҳларда узлуксиз ўқитилади. Бундан кўзланган **асосий мақсад** мамлакатимизда яшовчи турли миллатлар фарзандларининг ўзбек тилини давлат тили сифатида кундалик меънат ва ижтимоий фаолият учун етарли даражада амалий эгаллашларини таъминлаш, ўзбек тили воситасида барча ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда инсонлар ўртасидаги турли муомала вазиятларида оғзаки ва ёзма тарзда эркин нуткий мулоқот юритиш малакаларини шакллантиришдан иборат. Бироқ бугунги кунгача ўзбек тили республикаимизнинг давлат тили сифатида 2-синфдан 11-синфгача ва яна олий таълимда ҳам бир йил – жами 11 йил ўқитиб келинаётган бўлса-да, ўзга тиллар вакиллариининг ўзбек тилини ўрганишлари жуда суст кетаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аксарият ҳолларда улар давлат тилида қилинган мурожаатларга, “Понимаю, но не умею говорить” деб жавоб берадилар. Энг ачинарлиси, биз уларнинг ўзбек тилини **тушунишлари, аммо гапира олмасликларига** кўникиб қолдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 21-октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5850-сонли Фармони она тилимизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, таълим муассасаларида давлат тилини ўргатишга жиддий муносабатда бўлишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактабларида ўқув дастурлари, дарсликлар нутқни ривожлантиришга йўналтирилган

ҳолда такомиллаштирилмоқда, олий таълим босқичи рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишнинг замонавий методикасини яратиш устида ишланмоқда. Ушбу янгиланишлар асосан ўқувчи-талабаларнинг нутқий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Мазкур мақолада республикамизда яшовчи ўзга тиллар вакилларининг ўзбек тилида гапириш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-методик жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Асосий қисм. Таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактаблар ва гуруҳларда ўзбек тилини ўқитишдан асосий мақсад аввало, уларнинг нутқий кўникмаларини шакллантириш бўлиб, бунда ўзбек тилида сўз бирикмалари, гап тузиш моделларини билишнинг аҳамияти катта. Нутқ тузувчи тилдаги бу моделлардан ўзининг коммуникатив мақсадига уйғунини танлайди ва уни турли вариантларда кенгайтиради, берилган модел асосида керакли жумлани тузади. Жумладан, ўзбек тилида эга ва от кесимдан иборат *мен ... (ким?) ман, мен ... (қаерлик?) ман* моделлари воситасида ўнлаб муқобил жумлалар тузиш ва ўз исми, касби, қаерлик экани ҳақида маълумот бериш мумкин.

Олимларнинг фикрича, гапнинг бундай намунавий моделлари ҳар бир тилнинг грамматик қурилишидан келиб чиқадиган ўзига хосликка эга ва миқдор жиҳатидан ҳам чегараланган бўлади. Жумладан, ўзбек тилшуноси Н. Махмудов француз профессори Муртазо Мамудян томонидан аниқланган далилларни келтирган ҳолда қуйидаги фикрни билдиради: *“Кўпгина тилшунослар нутқдаги жумлалар (120 дан ортиқ бўлмаган сўздан таркиб топган) миқдори 10.30 дан 10.86 гача бўлган сон билан ўлчанади деб ҳисоблайдилар. Бир аср 3 x 10.9 сониядан иборатлиги эътиборга олинса ва бир одам бир аср давомида ҳар сонияда биттадан жумлани ўргангани деб тахмин қилинса, инсон бутун умри давомида ҳам мазкур миқдордаги жумлаларнинг жуда оз қисмини ўзлаштира олиши маълум бўлади. М. Мамудян тилни ўзлаштириши ва ундан фойдаланиши жараёнлари моҳиятан бениҳоя тежамкор тамойилда воқе бўлишини, бу тежамкорлик тил структурасининг бўлакланиши билан таъминланишини таъкидлайди. Тил ўрганувчилар ана шу бўлақларга суянган ҳолда саноқсиз индивидуал жумлалар тузадилар”* (6, 69–70).

Мактабгача тарбия муассасаларида ўзбек ва рус тилларини ўргатиш юзасидан тадқиқот иши олиб борган Ф. Қодирова эса бу борада қуйидаги фикрларни билдирган эди: *“Нутқий фаолият, аввало, ўзи хоҳлаган фикрни ифодалаш учун сўз танлашга қаратилган айрим жараёнлардан ташкил топади. Ҳар бир тилдаги сўзлар минглаб бирикмаларга қўшилиши мумкин ва сўзловчи ўз фикрини ифодалашга хизмат қилувчи сўзлар, воситаларни, фикрнинг ифода шаклини, гап тузиши учун керак бўладиган грамматик унсурлар (қўшимчалар, кўмакчилар, боғловчилар)ни топиши зарур бўлади. Таъкидлаш лозимки, биринчидан, ўзбек тилида сўзловчиларнинг хотирасида нечта гап конструкцияси андоза шаклида сақлаб қолиниши ҳеч кимга маълум эмас. Иккинчидан, ҳар ким ўз нутқига эътибор берса, шунга иқрор бўладикки, киши гапирётган пайтда муайян гап қурилмаларини хотирасидан қидириб ўтирмайди, у фикр баён қилиши чоғида сўзларни бир занжирга тизган ҳолда гап тузиши ҳаракатини бошлайди, ўз туйғуларини, муносабатларини турли оҳанглар воситасида ҳали конструкцияси ноаниқ гапда акс эттиради”* (4, 95).

Нутқий мулоқот тил бирликларининг ўзаро бирикиши асосида юзага келар экан, тил бирликларини ўзаро бириктириб нутқий тузилмалар ҳосил қилиш учун эса грамматик қоидаларни ҳам билиши зарур. Ушбу қоидалар мажмуасини ўзлаштирмасдан туриб тўғридан тўғри гап тузиш ва нутқий кўникма ҳосил қилиш мумкин эмас. Ўқитувчи болаларни уларнинг ёшларига мос нутқий қурилмаларнинг барчасидан фойдаланишга ўргатиб бориши керак. Муайян нутқий қурилмаларнинг тузилишини ўргатиш учун эса нафақат сўз бирикмаларининг тузилишини, балки сўзларнинг ўзаро боғланиш хусусиятларини ҳам ўргатиб бориш керак бўлади (7, 58). И. П. Слесарева таъкидлаганидек, “сўз ниманидир атайди (денотатив аспект), ниманидир билдиради (сигнификатив аспект), сўз орқали сўзловчининг гапирилаётган нарса, шахс, ҳодисага муносабати ифодаланади (прагматик аспект), сўзловчининг муайян билимлари (фонли аспект) ва предмет образи (эмпирик образ) акс этади.” Демак, “нутқий фаолиятда биринчидан, тилнинг ва воқеликнинг диалектик алоқаси, яъни тилнинг акс эттириш-билиш функциясини; иккинчидан, акс эттиришининг турли даражалари: тушунчалар, тасаввурлар ва денотатив моделларнинг мавжудлигини; учинчидан, тилни нутқ билан бирликда кўриб чиқиш кераклигини белгилаб берувчи коммуникатив моҳиятини тан олиш зарур” (10, 70).

Кўриниб турибдики, психоллингвистик назариётда нутқий фаолият кўникмаларини эгаллашда грамматик билимлар инкор қилинмайди, аксинча, уларни онгли равишда ўзлаштириш ва қўллаш муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланади. Нутқий фаолият бири-бири билан узвий боғланган аспектларни қамраб олган бўлиб, ушбу ривожланувчи, давомли жараён бири иккинчисининг давоми бўлган узлуксиз машқлар турларини бажаришни талаб қилади. Кўпчилик методист олимлар иккинчи тил ёки чет тили таълимида айрим турдаги машқлардан фойдаланиш қутилган натижани бермаётганлигини ҳам қайд қиладилар (12, 58). Мазкур ҳолат ўз-ўзидан ҳозирги кунда русийзабон ўқувчи-талабаларга ўзбек тилини ўргатишда қўлланиб келинаётган машқларнинг турлари, уларда берилаётган материал қамрови ҳамда қўйилаётган топшириқлар тизими бошқа миллат вакилларига ўзбекча мулоқот юритиш, ўзбек тилини ўргатишни жадаллаштириш учун етарлимикин, деган савол қўйилишига олиб келади ва бунга кўп ҳолларда ижобий жавоб бериб бўлмайди.

Ҳозирги кунда ўзбек тилини ўқитиш тамойиллари, уларда бериладиган ўқув материалларининг тартиби ва тақсимоли билан бир қаторда, дарс жараёнида ўзбек тилини ўргатишга йўналтирилган машқлар таркиби ва турларини такомиллаштириш, уларни замонавий таълим машғулотларига мослаштириб қўллаш йўлларини топиш ўзбек тили таълими мутахассислари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бунинг учун мавжуд машқ турларини замонавий тилшунослик, психологик, педагогик тадқиқотлар натижалари асосида юзага келган илмий-амалий тавсиялар асосида такомиллаштириш ва мундарижавий жиҳатдан айнан русийзабон гуруҳлар учун хос бўлган машқлар тизимини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Нутқ *фаолияти* тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзувдан иборат бўлиб, тилшуносликда нутқ тилнинг махсули сифатида, психологияда нутқ жараёнининг физиологик механизмлари сифатида тадқиқ этилади. Оғзаки нутқнинг энг муҳим шакли гапириш бўлиб,

психологларнинг фикрича, ушбу жараён психологик жиҳатдан куйидаги 3 босқичдан иборат:

- 1) мулоқотга киришиш истаги ва нутқ ғосининг юзага келиши;
- 2) нутқнинг шаклланиш жараёни;
- 3) нутқнинг юзага чиқиши, амалга ошириш жараёни (8, 4).

Нутқни шакллантириш жараёни иккинчи босқичдан – айнан ўй-фикрни муайян тил воситалари асосида ифодаланиш ташкил этиш ҳаракатларидан бошланади. Бу жараёнда тил қонун-қоидалари асосида лисоний воситаларни танлаш, ифодаланадиган фикрдан келиб чиқиб, уларни бир-бирига боғлаш *фаолияти амалга оширилади.* Фикрлар шу тарзда жамлаб олингандан сўнг, нутқ фаолиятининг учинчи – нутқни бевосита юзага чиқариш босқичи бошланади. Мазкур босқичда:

— муайян фикрни қамраб олган жумланинг ташқи нутқда аввал юзага чиққан жумла билан боғлиқлигини таъминлаш;

— барча нутқ аъзоларининг ўзаро мувофиқлаштирган бир меъёрдаги ҳаракатларини таъминлаш;

— ташқи нутқнинг қандай амалга ошаётганлигини назорат қилиб туриш;

— нутқнинг суҳбатдошга қай даражада таъсир этаётганлигини баҳолаш;

— сўзлаш жараёнида нутқ ғоясининг қай даражада амалга ошаётганлигини аниқлаш вазифалари амалга оширилади (2, 15).

Гапириш тил воситаларининг ақлий фаолият воситасида фаоллашуви, лисоний ифодаларнинг грамматик тузилмаларини иккинчи тилга трансформатсиялаш жараёнидан иборат бўлиб, нутқ товушлари артикулясияси воситасида юзага чиқарилади. Ушбу жараён юқорида қайд этилган барча фаолият турларини энг олий даражада амалга ошириш, яъни ботиний нутқнинг тил воситалари ёрдамида ифодаланган зоҳирий нутқ шаклининг юзага келиш жараёнидан иборат бўлади.

Нутқнинг юзага чиқиши артикуляцион жиҳатлари билан бир қаторда нутқий ифодаларни юзага келтиришнинг турли механизмлари, хусусан, зарур нутқий бирликларни вазиятга мос ҳолда танлаш ва ижодий ишлаш кўникмаларини эгаллашни ҳам тақозо этади. Бу жараён, энг аввало, сўзлар ва уларнинг грамматик шакллари танлашдан бошланади. Н. И. Жинкин ушбу физиологик жараённи нутқий фаолиятни юзага келтириш ва нутқни эшитиш анализаторлари қисмларига бўлган ҳолда ўрганишни тавсия этади. Унинг фикрича, биринчи босқичда сўзлар танлови кетади, иккинчи босқичда эса сўзларни ўзаро боғлаш жараёни кузатилади. Нутқ механизмларини шу тарзда трансформациялаш, яъни шакллантириш ва такомиллаштириш жараёни нутқий мулоқотда юз берадиган ахборот алмашинуви шароитидагина амалга ошиши мумкин. Бироқ ушбу механизмлар фақат нутқий мулоқотга эҳтиёж пайдо бўлгандагина ишга тушади (2,132).

Иккинчи тил таълимининг асосий вазифаси ушбу нутқ механизмларини ишга тушириш, ўқувчи-талабаларнинг ўрганилаётган тилда ахборот алмашинув қобилятини рўёбга чиқаришдан иборат. Бунинг учун таълим олувчиларда шу тилда гапириш эҳтиёжини юзага келтириш ва мазкур тилнинг лексик-грамматик имкониятларидан етарли даражада фойдалана олишни ўргатиш керак бўлади.

Нутқ фаолиятининг нутқни юзага келтирувчилар иштирокига кўра монолог, диалог ва полилог турлари мавжуд бўлиб, улар орасида монологик нутқ шакли айниқса муҳим ўрин тутаяди. **Монолог** (қадимий юнон. *μόνος* – бир ва *λόγος* – сўз, нутқ) – бир шахс томонидан фикрларнинг изчиллик билан давомли ва узвий боғлиқ ҳолда баён этилишидир. Қисқа мулоқот шакли ҳисобланувчи диалоглардан фарқли ҳолда монологик нутқда муайян мавзу бўйича кенгайтирилган ахборотдан иборат бўлади, яъни бунда айтилмоқчи бўлган фикр ҳақида етарли даражада кенг ва тўлиқ маълумот бериш кўзда тутилади. Психолог олим А. А. Леонтев монологик нутқни “*фикрнинг бир киши томонидан муайян вақт давомида изчилликда боғланишли шаклда ифодаланиши*” деб таърифлаган эди (5, 5). Бу ўринда монологик нутқнинг 3 асосий хусусияти: унинг яқка шахснинг нутқи эканлиги, давомийлиги (муайян вақт давом этиши) ва фикрни изчилликда боғланишли ифодалашга хизмат қилиши таъкидланган.

Монологик сўзлаш диалогик суҳбатга нисбатан психологик ва лисоний жиҳатдан анча мураккаб жараён бўлиб, сўзловчидан ўз фикрларини аниқ, ўзаро изчил ва узвий боғлиқликда ифодалаш кўникмаларини талаб этади. Албатта, монологик нутқ малакаларини эгаллаш кўпроқ меҳнатни талаб қилади. Г. А. Яковлеванинг таъкидича, талабаларнинг монологик сўзлашдаги қийинчиликлари монологни тузишга хос мантиқий боғланишларни, чунончи, воқеа шарт-шароити ва натижаларини тавсифлаш ва баҳолаш, воқеа баёнида хронологик изчилликни ифодалаш билан ҳам боғлиқ. Бу, бир томондан, сўзловчининг ўрганилаётган тилдаги лисоний воситаларни қай даражада билишидан, иккинчи томондан эса, таълим олувчининг умумий билими даражасидан ҳам келиб чиқади (13, 127).

Ҳақиқатан ҳам, боғланишли нутқ шаклидаги мулоқот жараёни жуда мураккаб бўлиб, сўзловчи мулоқот юритиш учун миясида юзага келган фикрни идрок қилиб, тушуниб олгач, уни ташки нутқда ифода қилишга киришади. Айнан шу вақтнинг ўзида унинг онгида навбатдаги фикр туғила бошлайди. Шундай тартибда юзага келадиган ҳар бир фикр ифода қилинган аввалги фикр билан узвий боғланган бўлади. Бундай боғланиш фикрларнинг бир-бирини тўлдириши, изохлаши, тасдиқлаши орқали намоён бўлади. Ушбу жараёнда муайян фикрларни бевосита ифода қилиш учун зарур бўлган тил воситаларини танлаб олиш тил кўникмаси ва нутқ малакасига таянилган ҳолда амалга оширилади. Жумладан, ўзбек тилида фикрни мантиқий боғлаган ҳолда ифодалаш, асосан, гапларни боғловчи бирликлар – пайт равишларини (*сўнг, сўнгра, кейин, аввал, олдин, дастлаб*), сабаб-натижа маъносини ифодаловчи сўзларни (*шунинг учун, шу сабабли, шу боис, чунки, натижада, оқибатда*), кетма-кетликни, изчилликни ифодаловчи равишларни (*кетма-кет, бирма-бир, бирин-кетин*) тўғри қўллаш, гапда сўзлар тартиби, боғловчи ва боғловчи воситаларни тўғри танлай олишга боғлиқ бўлади.

Монологик нутқий малакага эга бўлиш бир вақтнинг ўзида ҳам мантиқий, ҳам лисоний дастурни амалга ошириши, яъни сўзловчи ўз фикрини боғланишли тарзда равон баён этиши, матн ҳеч қандай узилишларсиз, жумлалар ўртасида тўхтамларсиз яхлит ҳолда айтилиши учун ички дастурлаш, яъни олдинги гапни айтиш жараёнида кейинги гап мазмунини ўйлаб олиш ва унга мос ифода воситаларини режалаштириб олишидан иборатдир. Афсуски, кўп ҳолатларда жумлалар орасидаги тўхтамлар, бунда битта товушни чўзиб айтишлар,

кириш сўзлар тавтологияси ҳолатлари хато деб ҳисобга олинмайди ва уларни йўқотиш устида ишланмайди. Афсуски, бундай жараёнлар нутқ равонлигини бузилишига олиб келади.

Ўзбек тили таълимида боғланишли нутққа ўргатиш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, давлат таълим стандартлари талабларида ўқувчининг ўзбек тилида ўз оиласи, дўстлари, тенгдошлари, қизиқишлари ҳақида ўз фикрларини баён этишлари, ўзлари яшайдиган шаҳар ёки қишлоқ, кўча, мактаб ва синфхоналарини тасвирлай олиш кўникма-малакаларига эга бўлишлари кўзда тутилган. Бироқ Р. Йўлдошев таъкидича, матн устида ишлаш жараёнида ўқувчилар ўзбек тилида кўп гапирмайдилар, 2–3 ўқувчигагина матн мазмуни сўзлатилади, холос. Натижада оғзаки нутқ ўстиришда олға силжиш талаб даражасига етмайди. «*Бу қалам*», «*Шифокор келди*», «*Мен мактабда ўқийман*» каби эрта-ю кеч тилга олинадиган жумлаларни мустасно этганда, мустақил равишда ёйиқ содда гапларни туза билмайдиган ўқувчилардан бирор мавзуда эркин ҳикоялашни талаб этишнинг фойдасиз эканлигини билган ўқитувчилар умуман бундай топшириқ бермайдилар. Ваҳоланки, ўзбек тилида ўз фикрини изҳор этмоқчи бўлган ўқувчи гап туза билиши, шу асосда ҳикоялай олиши, матн мазмунини ўз сўзлари билан қайта ҳикоя қила билиши даркор (3, 39). Бунинг учун иккинчи тилда ривожланган нутқ ўз суръати билан ушбу индивиднинг она тилидаги нутқ суръатига яқинлашиши керак. Сўзлаш малакаси фикрни автоматик тарзда гаплар тузиб баён қилиш бўлиб, у айна бир мавзуда қайта-қайта гапириш натижасида шаклланади. Кўникмаларнинг малака даражасига етишида адабий ўқиш учун берилган насрий асарларни ўқиш ва мазмунини сўзлаб бериш топшириқларини кўп бажартиришнинг ҳам амалий аҳамияти ниҳоятда катта. Русийзабон ўқувчилами ўзбек тилида бирор мавзуда сўзлатишдан кузатиладиган асосий мақсад гап тузиш ва боғланишли нутқ жараёнини тезлаштириш, улардаги оғзаки нутқ суръати ва равонлигини тил эгаларининг сўзлаш суръати ва равонлигига яқинлаштиришдан иборат (3, 48).

Қайд қилиш жоизки, нутқнинг оғзаки ва ёзма, монологик, диалогик шаклларининг ҳар бири ўзига хос грамматик хусусиятларга эга бўлиб, улар турли лингвистик воситаларни қўллашни талаб этади. Икки шахс нутқи диалогларда сўзловчи ва тингловчи орасидаги фикр алмашиш жараёни, ўзаро суҳбат, савол-жавоблар ифода қилинади. Мулоқот жараёнида иккидан ортиқ шахс иштирок этадиган нутқ тури полилоглар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу нутқ турларининг ҳар бири ўзига хос лисоний ва психологик хусусиятларга эга.

Диалогик нутқда вазият жуда муҳим ўрин тутаяди. Кўпинча диалог ва полилоглар ўз-ўзидан тасодифий учрашув жараёнида ёки бирор воқеа-ҳодиса таъсирида юз бериши ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда кутилган – ижобий ёки кутилмаган – салбий натижаларни бериши мумкин. Диалог ва полилогларда суҳбатда иштирок этувчи шахсларнинг нафақат психологик-руҳий ҳолати, балки суҳбат кечаётган вазият, нутқ оқимининг бориши, сўзловчи ва тингловчининг суҳбатдаги ўрни, суҳбат мавзусига эътибори кабилар ҳам катта аҳамият касб этади. Ушбу нутқ турларида тингловчининг реакциясидан келиб чиқиб, нутқ давом эттирилиши ёки қисқартирилиши, ҳатто нутқ мавзуси ўзгартирилиши, тингловчиларнинг диққатини тортиш мақсадида айнан бир гап бир неча марта такрор айтилиши, йўналтирувчи саволлар ёрдамида нутқ мавзусини ўз мақсади томон

буриши ҳам мумкин. Нутқнинг бу турида мимика, имо-ишора каби новербал, яъни экстралингвистик воситалар катта ўрин тутлади. Диалогларда ҳатто нутқдаги узилишлар, тўхтамлар, такрорлар ҳам муайян мақсадга хизмат қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, диалогик нутқда шакл ва мазмун бирлиги амал қилади, суҳбатдошнинг нима мақсадда мулоқотга киришаётганлигига қараб мулоқот тартиби юзага келади. Демак, диалогик нутқ ўстиришда таълим мазмуни сўзлашув чоғида ишлатиладиган гап турлари, яъни репликалар, шунингдек, қолип-гаплардан ташқари, мулоқот тартибини ҳам ўз ичига олиши керак. Тайёр бериб қўйилган савол, унинг жавоблари ёд олишдан иборат ҳозирлик кўришнигина тақозо этади.

Кундалик муомалада сўзлашув кўпроқ диалог шаклида рўй беради. Бироқ диалоглар таркибида монологик нутқлар ҳам бўлиши мумкин. Демак, ўқувчи-талабаларга диалогик нутқни ўргатиш жараёнида боғланишли монологик нутққа хос бўлган хусусиятларни, гапларни, саволларни ўзаро боғлиқликда беришга ўргатиш ҳам керак. Аслида диалогик нутқ ўстиришда ҳам монологик нутқ ўстиришда бўлгани каби муайян лексик ва грамматик материалларни гап тузиб айтиш мазмунидаги фаоллаштириш жараёни кечиши керак. Мустақил равишда гап тузиб ўзаро суҳбатлашиш машқлари ана шундай имкониятларни юзага келтириш учун хизмат қилади. Диалогик нутқ ўстиришдан кўзланадиган мақсад, аввало, ўқувчиларни ўзбек тилида реал нутқий мулоқотга тайёрлаш ва нутқнинг ушбу шакли доирасида фаол қўлланадиган сўзлар ва грамматик шаклларни ўргатишдан, аynи вақтда уларга ўзбекча мулоқот одоби, нутқ маданиятини сингдиришдан иборат.

Маълумки, жаҳон тажрибасида иккинчи тил таълимида ҳақиқий ёки шартли мулоқот вазиятини юзага келтиришни талаб этувчи коммуникатив машқлар турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. **Ҳақиқий коммуникатив машқлар** бевосита мулоқот пайтида юзага келади. Жонли мулоқот машғулотларини турли жойларда, турли мақсадларда ташкил этиш мумкин. Ўқувчи-талабалар билан театр, музейларга бориш, уларни дўконлар, бозорларда жонли мулоқот қилишга, дарсдан ташқари тадбирларда фаол иштирок этишга ундаш табиий нутқ вазиятини келтириб чиқарадиган омиллардир. **Шартли коммуникатив машқлар** машғулотлар пайтида шартли мулоқот вазиятини юзага келтиришни тақозо этади. Бунинг учун, масалан, расм ёки видеоларларни кўрсатиш ва ўзбек тилида унинг оғзаки ёки ёзма баёнини сўраш, ўйин машқларидан фойдаланиш, тақдирот дарсларини ташкил этиш, иш ўйинларидан фойдаланиш, яъни касбий мулоқот вазиятини ҳосил қилиш йўли билан ҳақиқий мулоқот шароитига анчагина яқинлашадиган шартли мулоқот шароитини ҳосил қилиш мумкин (9, 18–40).

Табиий нутқий вазиятлар бозорлар, музейлар, ҳайвонот боғи, театрлар, кутубхоналарга ва бошқа масканларга уюштириладиган сайёр дарслар орқали яратилади. Бунда ўқувчи-талабалар воқеа-ҳодисанинг табиий шарт-шароитига олиб кирилади ва шу жараёнда ҳақиқий коммуникантлар билан суҳбатлашишга жалб қилинади. Шу боис табиий нутқий вазиятга олиб боришдан аввал ўқувчи-талабаларни шартли коммуникатив машқлар орқали шу жараёнда суҳбат қилишга тайёрлаш, шу мавзуга боғлиқ лексика ва қолип савол-жавоблар билан таништириш, ҳатто олдиндан машқ қилдириш керак бўлади.

Албатта, табиий муҳитда коммуникантлар қутилмаган нутқий вазиятларга, назарда тутилмаган саволлар ва репликаларга дуч келишлари мумкин. Шу боис ўқувчи-талабаларга янги сўзлар, репликалар, қолип савол-жавобларни ёзиб бориш учун махсус лугат дафтарчалари туттириш ва албатта кейинги дарсда такроран машқ қилдириш эгаллаган тил кўникмаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Тил муҳитида сайёр дарсларни ҳар ойда ўтказиб туриш мумкин, бу ўқувчи-талабаларни аста-секинлик билан ташқи муҳит билан мунтазам мулоқотга киришиб боришга, дарс жараёнида эгаллаётган кўникмаларини ривожлантириб бориш орқали малака даражасига етказишга ёрдам беради.

Тил ўрганишни онгли ва изчил равишда ташкил қилишнинг асосий омилларидан бири дарс жараёнида имкон борича табиий нутқий вазиятни ташкил қилишдир. **Табиий нутқий вазият**да ўзлаштирилаётган тил материали ўқувчи-талабаларга табиий равишда сингиб боради. Жонли мулоқот орқали табиий нутқ вазиятини яратиш натижасида ижтимоий йўналтирилган таълимга эришилади, яъни ўқувчиларда маълум ижтимоий вазиятда ўзаро мулоқотга киришиш эҳтиёжини қондириш истаги пайдо бўлади. Баъзан нутқий вазиятни пантомимо тарзида ҳосил қилиш ҳам мумкин. Табиий нутқий вазиятлар қайта яратилса, у таълимийга айланади.

Иккинчи тилни ўрганишда дарс жараёнида махсус ташкил этиладиган **шартли нутқий вазиятлар** алоҳида ўрин тутаяди. Бундай вазиятлар муайян мавзуга боғлаб ролли ўйинлар орқали ташкил этилади. Ўқитувчи суҳбат вазиятини, коммуникантларнинг ўзаро савол-жавобларини ёзма ҳолда тайёрлаб келиши, талабаларга уларни тарқатма материал сифатида бериб, олдиндан танишиб чиқиши ва ёддан айтиши учун имкон бериши керак. Масалан, бозорда ёки дўконда мавзусида ўқувчилардан бири сотувчи, иккинчиси харидор ролини ижро этиши, ёки шифокор ҳузурида мавзусида ўқувчилардан бириниг шифокор, иккинчисининг бемор ролини ижро этиши. Бундай шартли коммуникатив машқларни оддий савол-жавоб шаклида ҳам, ролли ўйин шаклида ҳам ўтказиш мумкин. Агар дарсга мева ва сабзавотларнинг муляжлари, тарози олиб кирилса, нутқий вазият ўйин тусини олади.

Тилни тил муҳити мавжуд жойларда иккинчи тил сифатида ўқитишда мактаб таълимида бундай ролли ўйинлардан кўп фойдаланилади. Одатда, байрамга бағишланган тадбирлар, меҳмон кутиш, ўқитувчи бўлиш каби ролли ўйинлар мактаб таълимида анчагина оммалашган. Юқори таълим босқичларига чиққан сари касбий-соҳавий мавзуларда диалог ва полилоглар ташкил этиш, адабий ўқиш бўйича берилган асарлар асосида ролли ўйинлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ўқувчиларга яхши таниш асар қаҳрамони ёки қаҳрамониари қатнашадиган ролларни ижро этиш таклиф қилинади.

Тилни чет тили сифатида, шунингдек, иккинчи тил сифатида ўқитишда қолип турғун бирикмалар, яъни ҳар бир тилда мавжуд муайян андозадаги шаблон иборалар қатта рол ўйнайди. Муайян нутқий вазият билан боғлиқ бўлган бундай иборалар шу халқнинг миллий маданий турмуш тарзини ҳам акс эттиради. Биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – уйда, кўчада, ишхонада, тўй-тантаналарда, расмий маросимларда ишлатиладиган қолип ибораларни ҳар лаҳзада қўллашимиз. Энг эътиборлиси, ушбу иборалардан нафақат

коммуникатив вазиятга, балки суҳбатдошнинг кимлиги, ёши, жинси, лавозими, таниш-нотанишлик жиҳатлари ва ҳ.з.лардан келиб чиқиб танланади ва муомала-мулоқот жараёнида фойдаланилади.

Бу ўринда Н. И. Формановскаянинг нутқ этикетига берган таърифи диққатга сазовор: “Нутқ этикети, тор маънода, бу муайян вазиятларда ўзаро муомалага киришда мулоқот-муомала воситаларини айтиш вазиятидаги шарт-шароитга ва коммуникантларнинг ижтимоий мавқеи, шунингдек, ўзаро муносабатлари хусусиятларига мос равишда танланган одоб-ахлоқ меъёрларининг миллий ўзига хос қоидаларидир” (11, 5).

Ҳар бир жамиятнинг миллий маданий турмуш тарзини ўзида ёрқин ифодаловчи бундай қолип иборалар нутқ этикети деб номланиб, одатда, икки-уч тилли сўзлашгичларда кенг акс эттирилган. Албатта, чет тили вакиллари мулоқотга киришишнинг илк босқичида ушбу қўлланмалар ёрдамида ушбу қолип сўзларни ёдлаб олиш ва муайян нутқий вазиятларда улардан унумли фойдаланиш орқали ўзларига зарур маълумотларни оладилар. Шу боис нутқ этикетлари гапиришга ўрганишнинг энг осон йўлларида бири сифатида эътироф қилинади.

Албатта, нутқ этикетлари гапиришга ўрганишда бирламчи кўприк воситасини ўташи мумкин. Аммо Р. Йўлдошев таъкидлаганидек, “қолип-гаплами эгаллаш жараёнида гап тузиш операциялари деярли бажарилмайди: улар ўқувчиларга ёд олдирилади, турғун иборалар каби ўқувчилар нутқига яхлит олиб кирилади” (3, 67). Тил ўрганувчилар муайян нутқий вазият бўйича берилган айнан саволнигина тушунадилар. Кўп ҳолларда савол таркибидаги сўз ёки сўз шаклининг салгина ўзгартирилиши ҳам жавоб берувчининг тўхтаб қолишига олиб келади. Бундай мисолларни ўзбек тилини ўрганаётган чет элликларнинг мулоқотида кўплаб кузатиш мумкин. Бундай инсонлар одатда ўқитувчиси берган доимий эшитиб юрган савол шаклига жавоб бера оладилар, бироқ худди шу мазмунни ифодаловчи синонимик шаклдаги саволга эса жавоб беролмай тўхтаб қоладилар. Бу уларнинг саволлар мазмунини чуқур тушунган ҳолда эмас, балки қолип сўроқ ва жавоб гапларни ёдлаб олганликларидан келиб чиқади.

Р. Йўлдошев фикрича, дарсликларда берилган савол-жавоблар тартибида сўзлашиш ўқувчилами ҳаётий жонли мулоқотларга тайёрлай олмайди (1, 56). Жонли мулоқотда тартиб ўзгариб туради: жавоб қайтарган киши акс савол бериши, мулоқот бевосита саволдан эмас, бирор таклифдан бошланиши, суҳбатдошлар бир-бирларининг гапларим маъқуллаши ёки рад этиши, ўзининг турли муносабатларини билдириши мумкин. Ўзбек тили таълими жараёнида эса эслаб қолиш ва мулоқот жараёнида фойдаланиш топшириғи билангина қолип-гаплар тақдим этилади, лекин ушбу қолип-гапнинг аксарият қисми қайси вазиятларда ишлатилиши нуктаи назаридан изоҳланмайди, ситуатив машқлар ҳам тизим ҳолида эмас.

Диалогик нутқни ўстириш жараёнида болаларга, аввало, саволларга жавоб қайтаришни ўргатиш, уларда суҳбатни бошлаб бериш ва давом эттириш малакасини ҳосил қилишга эришиш лозим. Диалогик нутқда сўзловчининг суҳбатни бошлаш ва давом эттиришга мўлжаллаб айтадиган гапи муҳим рол ўйнайди. Баъзан юзага келган нутқий вазиятда бир хил тузилиш ва мазмундаги гаплар айтилади. Шу сабабли тузилиши бир хил бўлган диалоглар (диалог-шаблонлар) юзага келади.

Сўроқ мазмунидаги репликалар қуйидагича тузилишдаги диалоглами вужудга келтиради: 1. Суҳбатдошлардан бири билиш мазмунида савол беради, иккинчиси фақат жавоб...қайтаради. 2. Суҳбатдошлар бир-бирларидан кўпинча у ёки бу тўғ ғрида сўрайдилар, бунда саволга жавоб қайтарган суҳбатдош, ўз навбатида, шу савол-жавобдан келиб чиқиб савол беради. Бундай диалог қуйидаги кўрмишда бўлади:

- Савол.
- Жавоб. Савол.
- Жавоб (1, 56).

Буни дарсликларда берилган суҳбат матнлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун “Ўзбек тили” дарсликларида деярли ҳар бир дарс таркибида қуйидаги тузилишлардаги суҳбат матнлари берилган:

1. Икки суҳбатдош савол-жавобидан иборат диалогик суҳбат матни.

2. Бирдан ортиқ суҳбатдошлар савол-жавобидан иборат полилогик суҳбат матни.

3. Ўқитувчи ва ўқувчилар савол-жавобидан иборат савол-жавобидан иборат полилогик суҳбат матни.

Ушбу қурилмалардаги диалоглар асосан кутубхонада, мактабда, бозорда, шифокор хузурида деярли бир хил нутқий вазиятлар берилган бўлиб, кўп ҳолларда 2–3та гапдан сўнг суҳбатни давом эттириш топшириғи билан яқунланади. Лекин кейинги йилларда чоп этилаётган юқори синфлар дарсликларида кенгайтирилган, ўқувчиларнинг мавзу юзасидан қўшимча маълумот олишларига қаратилган суҳбат матнлари, миллий анъанавий кадриятларимизга урғу берилган диалог ва полилоглар ҳам берилмоқда. Ўқитувчилар дарс жараёнида бундай суҳбат матнларини бир-икки жуфтликларга ўқитиш билангина чегараланмай, йўлловчи саволлар ёрдамида шунга ёндош мавзуларда эркин суҳбатларни ташкил этиб, синфдаги барча ўқувчиларни, айниқса тортинчоқ ўқувчиларни суҳбатга жалб қилса, уларнинг гапириш кўникмаларини ҳам аста-секин шаклланиб боришига туртки беради.

Қайд этиш керакки, одатда, тил ўрганиш қисқа курсларида ёки тилни мустақил ўрганишда сўзлашгичлардан фойдаланилади. Сўзлашгичлардаги савол ва жавоблар ўқиб бериб ёки ёд олиб айтиш тарзида мулоқотда ишлатиш учун мойжалланган бўлиб, одатда, чет мамлакатлардан келган сайёҳлар ёки Ўзбекистонга вақтинча иш билан келган тадбиркорлар ўзбек тилида гаплашувчи аҳоли билан сўзлашгичлар орқали мулоқот олиб борадилар. Лекин республикамизда муқим яшайдиган русийзабон миллат вакиллари учун сўзлашгичларда берилган қолип-гапларнинг ўзи билан доимий мулоқот олиб бориш етарли эмас, улар ўзбек тилини ҳам оғзаки, ҳам ёзма мукаммал ўрганишлари тақозо этилади.

Хулоса. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тилини ўқитишни самарали ташкил этиш ўзига хос ёндашувлар, методлар ва усуллардан фойдаланиш зарурлигини, ўзбек тилининг агглютинатив тузилишидан келиб чиқадиган тил бирликларининг ўзаро боғланиш хусусиятларини, гап ва жумлаларнинг энг кенг қўлланадиган моделларини ўргатиб бориш кераклигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ўзбек тили ўқитувчилари нутқ аспекти ва нутқ жараёнини шакллантиришининг психологик босқичлари ҳамда оғзаки нутқни юзага чиқаришнинг артикуляцион

жихатлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари, оғзаки нутқ равонлигини таъминлаш учун таълим жараёнида гап оҳанги, нутқ темпига ҳам эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ. Хусусан, нутқ равонлигининг бузилишига сабаб бўлувчи кераксиз тўхтамлар, товушларни чўзиб айтиш, кириш сўзларни тавтологик такрор қўллаш каби омилларни эътиборсиз қолдирмаслик, монологик нутқ шаклида боғланишли нутқ узвийлигини таъминловчи боғловчи воситалардан ўринли фойдаланишга ўргатиш, дарс жараёнида диалогларни полилогик нутққа ўсиб чиқиш даражасига олиб чиқиш орқали табиий нутқий вазиятларни яратиш, ўзбек тили машғулотларини ташкил этишда атрофда мавжуд тил муҳитидан самарали фойдаланиш, музейлар, театрлар, кутубхоналарга ва бошқа масканларида тез-тез сайёр дарсларни уюштириш каби ўқувчи-талабаларни фаоллаштирувчи ҳамкорлик методларини кўпроқ қўллаш биз кутган натижаларни беради. Она тилимиз ривожига бефарқ бўлмаслик, унинг давлат тили сифатидаги нуфузини янада кўтариш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гурвич П.Б. Обучение ведению парного и группового диалога в школе // Иностранные языки в школе. — 1973. — № 5. — С. 56–65.
2. Жинкин Н.И. Механизмы речи. 3-е изд. — Москва: Наука, 1991. — 370 с.
3. Йўлдошев Р. А. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш методикаси. — Тошкент: ЎзПФТИ, 2015. — 160 б.
4. Кадырова Ф. Р. Лингводидактические основы обучения детей дошкольного возраста второму языку (на материале русского и узбекского языков): Дис. ... док. пед. наук. — Ташкент, 2006. — 354 с.
5. Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. 4-е изд. — Москва: УРСС, 2007. — 306 с.
6. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. — Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. — 185 б.
7. Мухитдинова Х.С. Ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлашнинг илмий-методик асослари (монография). — Тошкент: Фан ва технология, 2008. — 238 б.
8. Мухиддинов А. Ф. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995. — 78 б.
9. Пассов Е. И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. 2-е издание. — Москва: Просвещение, 1991. — 222 с.
10. Слесарева И.П. Проблемы описания и преподавания русской лексики. Изд. 2-е, исправленное. — Москва: Русский язык, 1990. — 176 с.
11. Формановская Н.И. Употребление русского речевого этикета. — Москва: Русский язык, 1984. — 193 с.
12. Ҳошимов Ў., Ёкубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. — Тошкент: Шарк, 2003. — 301 б.
13. Яковлева Г.А. К вопросу о развитии русской монологической речи студентов старших курсов // Сб. статей по методике преподавания русского языка в вузах союзных республик. Выпуск 6. — Москва: Высшая школа, 1988. — С. 124–130.

References

1. Gurvich P.B. *Inostrannye yazyki v shkole*, 1973, No. 5, pp. 56–65.
2. Zhinkin N.I. *Mekhanizmy rechi* (Mechanisms of Speech), Moscow: Nauka, 1991, 370 p.
3. Yuldoshev R.A. *Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarda uzbek tilini ukitish metodikasi* (Methods of Teaching Uzbek in Russian Language Schools), Tashkent: UzPFTI, 2015, 160 p.

4. Kadyrova F.R. *Lingvodidakticheskie osnovy obucheniya detei doshkol'nogo vozrasta vtoromu yazyku (na materiale russkogo i uzbekskogo yazykov)* (Linguodidactic Bases of Teaching Preschool Children a Second Language (based on the Material of the Russian and Uzbek Languages)): Doctor's thesis, Tashkent, 2006, 354 p.
5. Leont'ev A.A. *Psikholingvisticheskie edinitsy i porozhdenie rechevogo vyskazyvaniya* (Psycholinguistic Units and the Generation of a Speech Utterance), Moscow: URSS, 2007, 306 p.
6. Makhmudov N. *Ukituvchi nutki madaniyati* (Culture of Teacher Speech), Tashkent: Uzbekiston millii kutubkhonasi nashrieti, 2007, 185 p.
7. Mukhitdinova Kh.S. *Uzbek tilini ukitishda uzluksizlikni ta'minlashning ilmiy-metodik asoslari* (Scientific and Methodological Bases of Ensuring Continuity in the Teaching of Uzbek Language), Tashkent: Fan va tekhnologiya, 2008, 238 p.
8. Mukhiddinov A. *Ukuv zharaenida nutq faoliyati* (Speech Activity in the Educational Process), Tashkent: Ukituvchi, 1995, 78 p.
9. Passov E. I. *Kommunikativnyi metod obucheniya inoyazychnomu govoreniyu izdanie* (A Communicative Method of Teaching Foreign Language Speaking), Moscow: Prosveshchenie, 1991, 222 p.
10. Slesareva I.P. *Problemy opisaniya i prepodavaniya russkoi leksiki. Izd. 2-e, ispravlennoe* (Problems of Describing and Teaching Russian Vocabulary. 2nd ed., revised), Moscow: Russkii yazyk, 1990, 176 p.
11. Formanovskaya N.I. *Upotreblenie russkogo rechevogo etiketa* (The Use of Russian Speech Etiquette), Moscow: Russkii yazyk, 1984, 193 p.
12. Khoshimov U., Ekubov I. *Ingliz tili ukitish metodikasi* (Methods of Teaching English), Tashkent: Shark, 2003, 301 p.
13. Yakovleva G.A. *Sb. statei po metodike prepodavaniya russkogo yazyka v vuzakh soyuznykh respublik. Vypusk 6* (Collection of Articles on the Methodology of Teaching the Russian Language in Universities of the Union Republics. Issue 6), Moscow: Vysshaya shkola, 1988, pp. 124-130.